

Ҳурматли юртдошлар!



14:07 / 08.09.2022 2363

Сўнги йилларда юртимизда Ислом банкчилиги ва иқтисодиёти, бизнес ва молияни Ислом тамойиллари асосида бошқариш бўйича бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан баъзи давлатларнинг Ислом банкчилиги тизимини юртимиз банкчилиги соҳасининг айрим тармоқларида қўллаш, банк соҳасида ишлаётган ходимлар учун уламолар, Ислом молияси мутахассислари томонидан тренинглари ўтказиш, мавзуга оид қўлланмалар чоп этиш кабиларни келтириб ўтиш мумкин.

Халқаро Ислом Молияси бўйича маслаҳат берувчи фирма IFAAS (www.IFAAS.com) Ўзбекистонда Ислом банкчилиги ва молиясига бўлган талабнинг нақадар юқори эканини ўрганиш мақсадида тадқиқот олиб бормоқда. Фирма ушбу тадқиқот доирасида мазкур мавзу бўйича 10 та оддий саволлар тузиб, юртдошларимизнинг эътиборларига ҳавола этди.

Саволларга жавоб бериш учун ушбу ҳавола орқали сўровномага кириш мумкин:

<https://forms.office.com/r/zcDi15Ww0B>

IFAAS жамоаси саволларни тақдим этар экан, юртдошларимизнинг берадиган жавоблари Ўзбекистон ҳукумати ва бошқа манфаатдор томонларга Ислом молияси соҳасининг ривожини қўллаб – қувватлашга янада яхшироқ ёрдам беришига умид билдирган.

Юқоридаги сўровнома ҳаволасини дўстларингиз, қариндошларингиз ва ҳамкасбларингиз, шу жумладан, бизнес эгалари ва сармоячилар билан бўлишишингизни илтимос қиламиз.